

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 112-ҳадис

112 – وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا عَدْوَى وَلَا طَيْرَةَ وَيُعْجِبُنِي الْفَأَلُ»، قَالُوا: وَمَا الْفَأَلُ؟ قَالَ: «كَلِمَةٌ طَيِّبَةٌ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«(Касал) юқиш ҳам йўқ, тияра ҳам йўқ. Менга яхши тафоул - гўзал сўз ёқади», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Изоҳ: «Тияра» - шумланиш. Бу сўз арабча «тойр» сўзидан олинган бўлиб, қуш деганидир. Илгари араблар бирор муҳим ишни қилмоқчи бўлса, масалан, сафарга чиқишдан олдин ёки бирор ишда иккиланса, қўлига қуш олиб, учиришарди. Агар қуш ўнг тарафга учса, ўша ишни қилишар, чап тарафга учса, қилишмас эди. Мана шу иш «тияра» деб аталган ва «тияра», «татойюр» («тияра қилиш») сўзлари умумий шумланишга ҳам ишлатиладиган бўлиб кетган.

* Тафоул - яхшиликка йўйиш, шумланишнинг зидди.

Шарҳ: Ислом ўзига эргашувчи, тобе мусулмонларга касалликнинг ҳақида ва одамлар орасида тарқалиши ҳақида ҳам аниқ маълумот берган. Соғлом одам касалларга аралашиб юргани сабабли касаллик унга юқади дейиш тўғри эмас. Касаллик- Аллоҳ тақдир қилгандагина юқади. Шунинг юзасидан Ислом инсоннинг бошқа бир инсондан шумланишидан ҳам огоҳ қилиб, мана бу киши "шумқадам", анави киши "ёқимсиз киши", деб айтиш ҳам тўғри эмас. Чунки шумланиш орқали инсон ўзини хавфдан сақлайман деб ширк келтириб қўйиш хавфи бор. Пайғамбар алайҳиссалом ҳаётдаги ҳар бир ишда яхши гумонда бўлиш ва ёқимли сўзни айтишга чақирганлар.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Албатта касаллик Аллоҳнинг тақдири билан юқади. Тўғри, касаллик юқиши восита, лекин асосий сабаб эмас.

2. Баъзи ҳайвонларни кўрганда (масалан, қора мушук олдидан ўтиб кетса) шумланиб, хавфга тушиш Исломда йўқ. Баъзиларнинг фикрича, бу фалокатга дучор қилар эмиш, дарак эмиш.
3. Шумланишга далолат қилувчи баъзи ишлар, масалан, отнинг тақасини ёки ҳайвонни шохини уй дарвозасига осиб қўйиш каби ишлар ҳам ҳаром ишдир.
4. Яхши сўз қалбни юмшатиб, нафсга ором бағишлайди. Муслмон одам худди яхши овқат тановвул қилганидек, яхши сўзни ҳам сўзлайди.

Манба: hadis.islom.uz

